# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 5 август, № 149 (6079) Сешанба


«Ўзбекистон темир йўллари»:

## Ислоҳот, тараққиёт, истиқбол



*Мустақиллик барчамиз учун улуғ ва азиз бўлган Ўзбекистонимиз довруғини дунёга танитди. Бугун турли жабҳаларда қўлга киритаётган ютуқларимиз, эришаётган муваффақиятларимиз, фаровон келажак ва обод турмушни кўзлаб ишлаб чиқилган пухта дастурлар асосида жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишларимиз жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга солаётгани, улар бизнинг тажрибаларимизни ўрганишга интилаётгани ҳам бор гап. Буларнинг бари қалбимизни фахр ва ифтихорга тўлдириши, шубҳасиз.*







ЖАРАЁН

Ғурурланмай, шодланмай бўладими ахир?! Чунки ўтган 23 йил вақт мобайнида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар бизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришимизга хизмат қилмоқда. Жумладан, шу давр ичида темир йўлларимизнинг тубдан такомиллаштирилганлиги туфайли у тараққиётимизни таъминловчи муҳим тармоқлардан бирига айланди. Эндиликда юртимизнинг бепоён сарҳадларини ана шу "пўлат излар"дан шамолдек елаётган поездларсиз, унинг атрофида барпо этилаётган инфратузилма объектларисиз тасаввур эта олмаймиз.

Шу ўринда соҳадаги дастлабки энг йирик лойиҳалардан бири — "Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўли ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсак. Зеро, мазкур йўлнинг мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётини юксалтиришдаги аҳамияти жуда юқори. У ишга туширилгач, минтақанинг табиий ер ости бойликларини ўзлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлди, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти туб бурилишларга юз тутиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ошди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, юк ва йўловчи ташиш масофаси 170 километрга, ҳаракат вақти эса 7 соатга қисқарди. Энди ўзингиз янги йўл шарофати боис қанча меҳнат ва қанча маблағ сарфи тежалиши-ю, унинг иқтисодий самарадорлигини бир хомчўт қилиб кўринг. Ҳазилакам нарса эмас-а?

(Давоми 2-бетда).



Истиқлол сурури

## ОРЗУЛАРИМИЗ РЎЁБИ

*Мактабда инглиз тилидан дарс бераман. Илк ўқувчиларим бугун академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсилни давом эттиришмоқда. Улар орасида инглиз тилини чуқур ўрганиб, шу йўналишдаги танловларда, фан олимпиадаларида муваффақият қозонган йигит-қизлар бор. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, баҳридилингиз очилади. Теран фикр ва кенг дунёқарашга эга, зукко ҳамда соғлом бу ёшлар — менинг шогирдларим! Буни ҳар доим ғурур билан, фахр билан айтаман. Аслида ўқитувчи учун камолга етаётган шогирдларининг ютуғини кўришдан ортиқ шараф йўқ!*

*Давлатимиз мустақиллиги эълон қилинган йили бошланғич синфда ўқирдим. Тўғри, у пайтлари ёшлар учун ҳозиргидек кенг имконияту шарт-шароитлар йўқ эди. Мустақилликнинг илк йилларидан таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган алоҳида эътиборнинг, ғамхўрликнинг тафтини ҳис қилиб улғайдик. Ўз билим ва салоҳиятим билан талаба бўлганим, океан ортидаги мамлакатда малака ошириб келганим, дунё кўрганим, мустақил ҳаётда эришган жами ютуқларим — ҳаммаҳаммаси Истиқлол ва у берган чексиз имкониятлар ҳосиласи.*

*2014 йилда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танловида олий ўринни эгалладим. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида вилоят умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун инглиз тилини ўқитишда янги педтехнология ва АКТдан фойдаланиш мавзуидаги семинарларда мураббий сифатида иш олиб бормоқдаман. Булар мақтаниш учун айтилаётган гаплар эмас. Аксинча, юртимизда ҳар бир инсоннинг, қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар, қизиқиш ва манфаати, қадр-қиммати устувор экани, меҳнати муносиб баҳоланаётганига бир мисолдир.*

*Ота-она борки, фарзандининг ўзидан ҳам кўра бахтли бўлишини истайди. Педагог сифатида шуни ишонч билан айтаманки, бугун камолга етаётган болаларимиз биздан ҳам етук ва кучли авлод бўлиб шаклланмоқда. Бу олдимизга қўйган улуғ мақсадларимизнинг рўёби, буюк келажагимиздан нишона эмасми?!*

**Гулшана МАҲМУДОВА,**
**Наманган шаҳридаги 6-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси.**

АНЖУМАН

*Пойтахтимизда "Таълим муассасалари битирувчиларининг бизнес ғоялари — банклар эътиборида" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тижорат банклари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг масъул ходимлари қатнашди.*

## Ёшларнинг бизнес ғоялари — амалиётга

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ёшларни бизнесга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бу борадаги изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилаётир. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳужжатда ёшларни, аввалламбор, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш учун қатор имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар белгиланган. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида янги иш ўринлари яратиш бўйича аниқ манзилли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси «Earth Times» нигоҳида

*Яқинда Буюк Британиянинг "Earth Times" он-лайн нашрида "Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси 20 йилдан сўнг реалликка айланди" сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

ЭЪТИРОФ

Унда экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан мазкур ташаббуснинг аҳамияти атрофлича таҳлил этилган. Жумладан, мақола муаллифи Дэйв Армстронг ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини нашр ўқувчилари билан ўртоқлашган:

"Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида беш ядровий давлат — АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой ва Россия якдиллик билан муҳим халқаро ҳужжатни — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколни имзолагани, ҳақиқатан ҳам, тарихий воқеа бўлиши билан бирга, барча манфаатдор томонларнинг бир неча йиллик самарали меҳнати натижаси ҳамдир. Ушбу ташаббус илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 1993 йилдаги сессиясида илгари сурилган эди.

Дунёда мавжуд бўлган ядро қуролидан холи ҳудудлар доимо қизиқиш уйғотган... Бугунги кунда улар Лотин Америкаси (1967 йилдаги Тлателолко Шартномаси), Тинч океанининг жанубий қисми (1985 йилдаги Раротонга Шартномаси), Жануби-Шарқий Осиё (1995 йилдаги Бангкок Шартномаси) ҳамда Африка (1996 йилдаги Пелиндаба Шартномаси) минтақаларида ядровий хавфсизликни таъминламоқда. Африкада ва Ер шарининг бошқа жойларида турли жанговар ҳаракатлар ҳануз давом этаётгани, бахтга қарши, инсоният ҳам худди ёввойи табиат сингари урушлар натижасида вайрон бўлаётганини тасдиқламоқда...

Марказий Осиёдаги 5 мамлакатнинг барчаси тараққиётнинг хавфсиз, тинч ва бунёдкорлик йўлини танлаш орқали радионуклид билан зарарланиш ва ер ресурсларидан фойдаланиш даражасининг пасайиши каби аянчли оқибатларнинг олдини олди.

Орол денгизининг фожиаси ҳам собиқ иттифоқнинг минтақадаги икки йирик дарёдан қишлоқ хўжалигида пахта ва кўп сув талаб қиладиган бошқа экинларни катта ҳажмда етиштириш учун ноoқилона фойдаланганининг оқибати бўлди.

(Давоми 2-бетда).

## Устувор вазифалар ижроси кўриб чиқилди

*Пойтахтимизда жорий йилнинг биринчи ярмида Тошкент шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат сарҳисоби ҳамда галдаги устувор вазифаларга бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.*

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида Тошкент шаҳрида ялпи ҳудудий маҳсулот 8,3 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 14,9 фоиз ўсди. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 62,3, хизматларнинг ҳиссаси эса 56,9 фоизни ташкил этди. Шунга мос равишда зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли 45 та корхонада амалга оширилган соғломлаштириш чора-тадбирлари натижасида улардан 32 таси ярим йилликни фойда билан якунлади.

2014 — 2016 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, ҳисобот даврида 1022 та лойиҳани рўёбга чиқариш белгиланган, амалда эса 1227 та объект фойдаланишга топширилди ва натижада 6602 та иш ўрни яратилди. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича белгиланган режа кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгартиришлар ва диверсификациялашни янада чуқурлаштириш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ҳамда технологик янгилаш, саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳисобига шаҳар иқтисодиёти рақобатбардошлилигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Айни чоғда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини янада ошириш, бу борада юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

## Қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган қурилма

*"Жиззах" махсус индустриал зонасида тез орада қуёш батареялари ёрдамида сув иситиш коллекторлари ишлаб чиқаришга киришилади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, мазкур қурилмалар кўмагида бир йилнинг ўзида мамлакатимизда камида 2,5 миллиард сўмгача маблағ тежаш мумкин.*

ЯНГИЛИК

— "Quyosh issiqlik energiyasi" қўшма корхонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилиш арафасида, — дейди "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти раҳбари Ғайрат Аҳмедов. — Айни пайтда бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. 39 кишининг доимий бандлигини таъминлайдиган ушбу лойиҳа рўёбга чиқарилиши билан йилига 15 минг дона коллектор тайёрланади.

Яна бир муҳим жиҳати, корхонада эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда тайёрланадиган ускуналар сувни 92 даражагача иситиб бериш имконига эга. Унинг ёрдамида кўп қаватли тураржойлар бинолари ва турли иншоотларни иситиш мумкин. Бу эса мамлакатимизда катта миқдордаги табиий газни тежаб қолиш ҳамда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишга замин яратади.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2014 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми**

**8,1 фоиз ўсди.**

Ички талабни рағбатлантириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларини диверсификация қилиш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирларнинг изчил ижроси натижасида ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.




## Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Август, деҳқончилик тақвимига кўра, асад ойига тўғри келади. Халқимизнинг "Асад — экинингни ясат" деган ажойиб мақолидан ҳам англаш мумкинки, ғўза парваришидаги энг масъулиятли ва муҳим палла энди бошланди. Бу даврда бажариладиган агротехника тадбирларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, уларни бекаму кўст адо этиш, экинни чин маънода "ясатиш" керак. Зеро, "Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр" эканлигини тажрибали деҳқонлар яхши билишади.



Истиқлол сурури

# ОСОЙИШТА ЮРТНИНГ ҲАР ГЎШАСИ ОБОД

*Маҳалламиз Обод турмуш деб номланади. Нуронийларимиздан кўп эшитганман. Ана шу қишлоқда иморатлар солина бошланганига етмиш-саксон йиллар бўлибди. Бироқ шунча вақт мобайнида бу ерлар овлоқ жой бўлиб келган. Қаёққа қараманг, гуваладан солинган пасқам, лойсувоқ уйлар, кўримсиз кўчалар... Газ, электр энергияси, ичимлик суви билан таъминлаш, йўлга асфальт ётқизиш ҳақида ўйлаш ёзда қорни орзу қилишдек гап эди, дейишади...*

*Энди биз тарафларга бир келсангиз борми, маҳалламиз номи роса топиб қўйилганига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Сабаби, бизда айтса айтгулик, кўз-кўз қилгулик янгиликлар кўп. Шу икки-уч йилнинг ўзида ҳудудимизни кесиб ўтувчи катта йўл ёқалаб намунавий лойиҳалар асосида 200 га яқин уй-жой қурилди. Табиий газ дейсизми, иссиқ сув, совуқ сув дейсизми, бари муҳайё. Аҳолининг маиший эҳтиёжларига жавоб бера олувчи яхлит инфратузилма юзага келди. Янгитдан қуриб битказилган маҳалла идораси эса солиқ хизмати, коммунал соҳа, банк шохобчалари каби қатор тузилмаларни ўз ичига олди. Милиция таянч пунктимиз ҳам худди шу ерда жойлашган. Бундан ташқари, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, болалар ўйингоҳи эртаю кеч аҳоли хизматида.*

*Албатта, маҳалла билан ишлашнинг гашти бўлакча. Ўзинг таниган, билган одамларнинг қувонч ва ташвишига доимо шерик бўласан. Шукрки, маҳалламиз тинч-осойишта, одамларимиз аҳил, меҳр-оқибатли. Икки мингдан зиёд аҳоли, 689 оила бор. Вояга етмаган ёшларимиз 700 нафар. Кўз тегмасин, кейинги уч йил ичида улар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари умуман қайд этилмади.*

*Йил бошида ўтказилган танловда милиция таянч пунктимиз ғолиб бўлди. Маҳалламизга танловнинг бош соврини — “Матиз” автомашинасини миниб қайтдик. Демоқчиманки, хизматимиз ортидан одамлар орасида иззат, эътибор топдик. Энг муҳими, улар бизга ишонишади, суянишади.*

*Ўзингиз айтинг, шундай гўзал юртда яшаб, очиққўнгил, бағрикенг инсонларнинг тинчлиги ва осойишталигига посбон бўлиш — чинакам бахт эмасми?!*

**Қобил НУРИДДИНОВ,**
**Зангиота тумани**
**Обод турмуш маҳалласидаги**
**147-сонли милиция таянч пункти**
**профилактика инспектори.**

# Устувор вазифалар ижроси кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида кўзда тутилган имтиёзли кредитлар бериш йўли билан аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган маҳаллий уй-рўзғор буюмларини сотиб олиши учун аҳолига истеъмол кредитлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилиши зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳудудда ижтимоий-маданий ривожланиш ва соғлом авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ижроси устидан назоратни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларини мунтазам равишда жалб қилиш тавсия этилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов иштирок этди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги ташаббуси «Earth Times» нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон изчил равишда чўл ҳудудида яшовчи маҳаллий аҳолини қўллаб-қувватламоқда ҳамда Афғонистондаги уруш каби бутун минтақага хавф солувчи вазиятларга қарши курашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Афғонистон Ислом Республикасида коалицион ҳукуматни тузиш ҳамда Афғонистонни қурол билан таъминловчиларга нисбатан эмбарго ўрнатилиши ғояларининг ташаббускори ҳисобланадики, бу афғонлар юртида 1995 йили умуммиллий сулҳга олиб келди.

Маълумки, Марказий Осиё мамлакатлари учун экологик ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ўта муҳим масала ҳисобланади. Ислом Каримов томонидан 1993 йилда илгари сурилган, 1997 йили Олмаота Декларациясида якдиллик билан қўллаб-қувватланган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш ҳақидаги ташаббус алал-оқибатда ядро қуролига эга бўлган бешта мамлакатнинг вакиллари томонидан имзоланган алоҳида Протокол орқали амалга ошди. Радиоактив заҳарланиш ҳамда минтақанинг бошқа экологик муаммолари эътиборга олинар экан, бу воқеага бутун Марказий Осиё атроф-муҳити ҳолатининг яхшиланиши нуқтаи назаридан энг яхши янгилик сифатида қараш керак”.

**«Жаҳон» АА.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундан ташқари, ушбу линияда техник ва муҳандислик жиҳатидан жуда ноёб иншоотлар бўлган 700 га яқин сув ўтказувчи йирик мослама ва 50 га яқин кўприклар барпо этилди. Йўл бўйлаб қурилган станциялар атрофида эса мактаб, спорт мажмуаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси сингари бир нечта иншоотлар қурилдики, бугун улар ўша ҳудудлар аҳолиси ихтиёрида. Мана сизга биргина лойиҳанинг халқ ва юрт манфаати учун қанчалик наф келтираётганига яққол мисол.



## «Ўзбекистон темир йўллари»:

# Ислоҳот, тараққиёт, истиқбол

Дарҳақиқат, ўтган даврда тизимда шундай ўзгариш ва янгиланишлар юз бераётгани, улар юртимиз ободлиги, аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Қулай, тезкор ва ишончли. Бу таъриф “Afrosiyob” поездига ўта мос ва хос эканлигини эндиликда ҳамма чуқур англаб етди. Энг асосийси, мазкур поезд йўловчиларга қулайлик яратиш баробарида, минтақадаги дастлабки юқори тезликда ҳаракатланувчи поезд сифатида тарих саҳифаларига муҳрланди. Ҳозиргача ушбу поезд орқали 500 минг нафарга яқин хорижий ва маҳаллий йўловчилар ўз манзилига етказиб қўйилди. Бу кейинги йилларда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси томонидан тармоқда электр поездлар ҳаракатланишини ривожлантириш, энергия тежамкор технологияларни амалиётга жорий этиш борасида кўрилаётган амалий чоралар самарасидир.

Қувонарлиси, бундай ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда электрлаштирилган “Тошкент — Самарқанд”, “Тошкент — Хўжакент” йўналишидаги темир йўлларга “Тўқимачи — Ангрен” линияси қўшилди. “Мароқанд — Қарши”, “Қарши — Термиз” темир йўлларида эса электрлаштириш ишларига жиддий киришилган. Демак, келгусида бундай тезюрар поездлар республикамизнинг бошқа ҳудудларига ҳам кириб боради. Пойтахтимизда темир йўлчилар касб байрамига бағишланган тадбирда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда соҳа мутахассислари ва меҳнат фахрийлари кейинги йилларда темир йўл тизимини тубдан такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага инновацион лойиҳаларни жорий этиш, тармоқнинг туризм салоҳиятини юксалтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.



Суратлар «Халқ сўзи» фотожамламасидан олинди.

Чиндан ҳам, истиқлол темир йўл саноат корхоналари учун, ҳеч шубҳасиз, янги даврни очиб берди. Айниқса, сўнгги йилларда темир йўллар инфратузилмасини замон талабларига мослаштириш, хусусан, локомотивлар, юк ва йўловчи вагонлари паркини янгилаш, ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ҳамда экспорт хизматлари ҳажмини янада ошириш борасида асрга татигулик ишлар қилинди. Тизим корхоналарида ишлаб чиқарилаётган юк ва йўловчи вагонларидан мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фойдаланилмоқда. Бунда Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.

Тизимдаги изчил ислоҳотлар ана шундай эзгу мақсадларга, қисқача айтганда, юртимизнинг келажагини янада порлоқ қилишга қаратилганлиги билан ғоятда аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ.**

# Ёшларнинг бизнес ғоялари — амалиётга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу жараёнда тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш кўзда тутилган лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 76,8 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Бу 2013 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баравар кўп эканлиги, унинг эвазига жойларда 8,5 мингга яқин битирувчилар иш билан таъминлангани эътиборга моликдир.

Тадбирда сўзга чиққанлар қайд этганидек, молия муассасалари “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида “Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш” лойиҳасида ҳам фаол қатнашмоқда. Бунга мувофиқ битирувчилар ва ёш оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш, улар ўртасида бизнесни юритиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, маркетинг йўналишларига бағишланган семинар ва тренинглар ташкил этилмоқда. Маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоат ташкилотлари биргаликда уюштираётган бундай тадбирлар давомида шу йилнинг ўтган даври мобайнида умумий қиймати 26,6 млрд. сўмлик бизнес режаларни молиялаштириш учун 500 дан ортиқ ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Бундан ташқари, “Диплом билан бизнесга” лойиҳаси доирасида таълим муассасаларининг 1000 дан ортиқ битирувчиларига тижорат банклари томонидан ўтган йиллар давомида 4,5 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Анжуманда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Менинг бизнес ғоям”, “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” ҳамда “Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор” лойиҳалари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди. Республикамизнинг барча ҳудудларида анъанавий тус олган бундай лойиҳалар ёшларнинг бизнес фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани, айниқса, аҳамиятлидир.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Аҳолига яна бир қулайлик

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Фарғона водийси шаҳарларини пойтахтимиз билан боғловчи янги йўналишли такси йўналишларининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

ХИЗМАТ

Таъкидланганидек, мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш, аҳолига автотранспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ҳар йили юзлаб километр янги йўллар барпо этилиб, қўшимча йўналишлар очилаяптики, бу юртдошларимизнинг манзилини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Фарғона водийси ва Тошкент шаҳрини боғловчи янги йўналишли такси йўналишларининг очилиши эса бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари Ш. Шоваҳобовнинг айтишича, бундан кўзланган асосий мақсад енгил автомобилларда йўловчи ташишни ташкил этишни кенгайтириш орқали йўловчиларга қулайлик яратишдир. Шу боис Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қўқон шаҳарларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, йўналишларнинг охирги бекатлари, яъни автостанцияларда йўловчилар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинди. Жумладан, маълумот бериш хонаси, овқатланиш ва дам олиш жойлари, меҳмонхоналар, чиптахоналар барпо этилди. Бундан ташқари, автомобиллар тўхтаб туриши, йўловчиларни олиш ва тушириш учун махсус жойлар, рейс олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш масканлари ишга туширилди.

— Айни пайтда “Тошкент — Андижон”, “Тошкент — Наманган”, “Тошкент — Фарғона” ва “Тошкент — Қўқон” йўналишли такси йўналишларини очиш борасида тайёргарлик ишлари якунига етказилди, — дейди агентликнинг Автотранспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи Т. Жамалходжаев. — Натижада куни кеча мазкур йўналишлар тўлиқ ишга туширилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан тасдиқланган “Шаҳар атрофида, шаҳарлараро (вилоятлар ичида, вилоятлараро) ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида Низом”га биноан, янги йўналиш очилгандан кейин уч-тўрт ой мобайнида уларда автотранспорт воситаларининг мунтазам синов ишлари бажарилиши лозим. Шу боис ҳозирги пайтда барча йўналишлар автотранспорт воситаларида тижорат асосида йўловчиларни ташиш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик корхоналарга навбатдаги очиқ тендер танловлари ўтказилгунга қадар вақтинчалик бириктириб берилди. Ушбу йўналишли такси йўналишларини жойлаштириш учун очиқ тендер танловларини эса жорий йилнинг октябрь ойида ўтказиш режалаштирилган.

Матбуот анжуманида Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси вакиллари, агентликнинг турли йўналишлар бўйича мутасаддилари ва мутахассислари ҳам иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# Статистика соҳасидаги янгиликлар

## ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашда муҳим омил бўлмоқда

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис кейинги йилларда қулай инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар янада кенг кўлам касб этиб, тадбиркорларга кўпроқ имтиёз ва преференциялар берилмоқда. Натижада тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, кредит олиш, хўжалик низоларини кўриб чиқиш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бундай янгиланишлар статистика тизимида ҳам кузатилаётгани эътиборга моликдир.*

ФАРМОН ВА ИЖРО

Дарҳақиқат, давлат статистика ҳисоботлари сонининг камайтирилиши, уларни тақдим қилиш даврийлиги қисқартирилиши билан бирга, тўлиқ электрон шаклда бериш жорий этилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, амалдаги 210 та статистик ҳисобот шаклининг 69 таси бекор қилинган бўлса, 23 тасининг тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди. Айтайлик, фермер хўжаликлари томонидан ўтган йилда 5 марта ҳисобот топширилган бўлса, эндиликда 3 марта, микрофирмалар эса 4 марта ўрнига фақат 1 марта ҳисобот тақдим қилаяпти.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, айниқса, соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Негаки, унга асосан, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботларини йилда бир маротаба топширади, холос. Шунингдек, статистика органлари ҳар чоракда фаолиятнинг тегишли йўналишлари ва соҳалари бўйича кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини танланма кузатувлар асосида ўрганиб борадилар.

Маълумот узатиш, ҳисоботларнинг электрон шакли ва тармоқлари ҳам ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий қилинмоқда. Хусусан, 2011 йилдан бошлаб статистика ҳисоботларини интернет орқали электрон шаклда тақдим этиш бошланди. Бунинг учун ҳозирги кунда давлат статистика ҳисоботларини шу усулда топширишнинг такомиллаштирилган eStat 2.0 ахборот тизимидан фойдаланилмоқда. Ушбу тизим орқали барча турдаги давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда кечаю кундуз тақдим қилиш имконияти мавжуд. Унинг афзаллиги шу билангина ўлчанмайди. Сабаби, янги тизим тадбиркорлик субъектларининг ҳисоботларни тайёрлаш ва топшириш вақтини тежаш, ҳисобот шаклларининг янгиланиш тезкорлигини ошириш, статистика ахборотлари махфийлигини таъминлаш, ҳисоботларни қабул қилиш жараёнида инсон омилининг таъсирини сезиларли равишда камайтириш имконини ҳам беради. Булар инобатга олиниб, Президентимизнинг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига биноан, 2014 йил 1 октябрдан Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида махсус “Тадбиркорлик субъектининг кабинети” иш бошлаши диққатга сазовордир.

Бугунги кунда статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этаётган тадбиркорлик субъектлари сони тобора кўпаймоқда. Президентимизнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланганидек, айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг қарийб 86 фоизи статистика ҳисоботларини электрон шаклда топширмоқда. Электрон ҳисоботдан, айниқса, кичик бизнес субъектлари кенг фойдаланишмоқда. Масалан, 2012 йилда жами ҳисобот топширувчи субъектларнинг 34 фоизи электрон шаклда ҳисобот тақдим этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 82 фоизга етди.

Жорий йилнинг биринчи чорагидан эътиборан, микрофирмалар фаолиятининг танлама статистика кузатувларини ҳам eStat 2.0 ахборот тизими орқали ўтказиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 2014 йилнинг январь — март ойларида танлама кузатувга тушган микрофирмаларнинг қарийб 90 фоизи кузатув сўровномаларини электрон шаклда тақдим қилишди.

2014 йилнинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига тўлиқ ўтказилишини таъминлаш мақсадида давлат статистика органлари томонидан Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ҳар ойда республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида махсус ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда. Мазкур тадбирларда хўжалик юритувчи субъектлар вакилларига электрон шаклда ҳисобот топширишнинг аҳамияти, тартиби ҳамда қулайликлари ҳақида тушунтириш ва аниқ кўрсатмалар берилаяпти. Биргина 2014 йилнинг биринчи ярмида жойларда 360 дан зиёд ана шундай семинарлар ўтказилиб, уларда 14 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари қамраб олинди.

Мухтасар айтганда, статистика органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқлари кенг татбиқ қилиниб, унинг имкониятларидан оқилона фойдаланилмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларига қўшимча бизнес қулайликларини яратиш учун мустаҳкам замин бўлаётир.

**Қобил БЕРДИҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг**
**Тадбиркорлик ва банк-молия хизматлари**
**статистикаси бошқармаси бошлиғи.**



Наманган: Вилоят марказида “Ҳарбий хизмат — мардлик, жасорат, чиниқиш ва тобланиш мактаби” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.



Истиқлол сурури

# ЎЗИМИЗНИНГ РОБОТ

*Мактабда устозим ёғочга двигатель ўрнатиб, ҳаракатга келтирганида, ҳайратимни яширолмаганман. Сўнг уйга кела солиб, отам кўмагида ўзиюрар машина ясаганмиз. Шунда ҳалиги таажжубим чандон ортиб, техниканинг сеҳрига боғланиб қолдим.*

*Шу иштиёқ мени Тошкентдаги Турин политехника университетида ўқишга ундади. Ҳозир мазкур таълим даргоҳи талабаси эканимдан фахрланаман. Университетимизда халқаро андозалар асосида билим олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Бу фан ва техника ютуқларини пухта эгаллашимизда муҳим омил бўлаётир. Махсус лабораторияларда двигатель конструкциялари ва технологияларини, деталларни лойиҳалаштиришни ўзлаштириб, мехатроника марказида бир гуруҳ устозларимиз ёрдамида янги лойиҳалар устида иш олиб бораяпмиз. Мени кўп йиллардан буён ўзиюрар робот ясаш ғояси қизиқтириб келарди. Устозларим Анвар Худойбергенов, Элдор Ҳасанов ҳамда техника фанлари номзоди Жамшид Камиев билан бу юмушнинг уддасидан чиқдик. Биз ҳаракатга келтирган робот бошқа ишланмалардан катта фарқ қилади. Хусусан, унинг оғирлиги 100 граммдан ошмайди. Ҳажми бўлса 5 см$^3$ни ташкил этади. Корпуси 3-D принтерида ишланган.*

*Жорий йил бошида ўтказилган “ACP Geek Picnic” халқаро кўргазмасида бизнинг “Митти Роботжон” иштирокчиларнинг эътиборини қозонди ва “Энг яхши технологик робот” деб баҳоланди. Муҳими, кўргазма давомида Европанинг кўзга кўринган олимларини мослама ясалиши, афзалликлари қизиқтириб қўйди. Шу чоғда уларга ихтиромиз ҳақида ғурур билан ҳикоя қилиб бердик.*

*Биз бундан кейин ҳам билим ва салоҳиятимизни ошириб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини намойиш қилишда давом этамиз.*

**Олимжон ТЎЙЧИЕВ,**
**Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси, халқаро танлов ғолиби.**

ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2014 йил 9, 11, 16 ва 18 сентябрь кунлари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукционга таклиф этади.**

**Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги хўжалик жамиятлари устав фондидаги 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:**

| Т/р | Объект номи | Сотилаётган объект | | Аукционга қўйилаётган объект бошланғич баҳоси | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | сўм | АҚШ доллари |
| 1. | «KO'KCHA TEKSTIL» МЧЖ | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зиё Саид кўчаси, 2-«А» уй | Калава ипва мато ишлаб чиқариш | 60 402 760 000,0 | 26 489 185,54 |
| 2. | «POYTEKS» МЧЖ | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Трудовая кўчаси, 4-уй | Классик ва спорт туридаги эркаклар пайпоғи, ип газламадан тайёрланадиган боғлам материаллари ва тиббий бинтлар ишлаб чиқариш | 1 940 000 000,0 | 850 772,71 |

**Очиқ аукцион шартлари.**

Аукцион ғолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фоизлар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмиллийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятни тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шарти билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров таъминотини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, нотариусда тасдиқлаш, объектни баҳолаш ва суғурталаш билан боғлиқ харажатлар), аукцион ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар, аукцион ташкилотчисининг аукционни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлари ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун — паспорт (истиқомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истагидаги талабгорлар аукционга қўйилаётган «Ko'kcha tekstil» МЧЖдаги улушлар бошланғич баҳосининг 2 фоизи миқдоридаги, «Poyteks» МЧЖдаги улуш бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулларини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар уларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

**Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 11.00 да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали)да бўлиб ўтади.**

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:

**Сотувчи (банк):** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 101-уй.
Телефонлар: (8-371) 234-11-22, 234-15-60.
Тел./факс: (8-371) 234-43-31.

**Аукцион ташкилотчиси:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (8-371) 233-02-49.
Тел./факс: (8-371) 233-23-40.
Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

*Гувоҳнома № 005357.*

1176R/40

## «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2014 йил 19 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Анарқулов даҳасида жойлашган иссиқхона бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 242 670 800 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 21 август куни соат 12.00 да ўтказилади.

- Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ томонидан 2013 йил 17 ноябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчасида жойлашган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 29 824 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 сентябрь куни соат 12.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

1172A/1051

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Torобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

## «Respublika mulk markazi» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «O'zbekyengilsanoat» ДАКнинг 2014 йил 30 июлдаги ММ-08-2159-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели кўчаси, 53-«Б» уйда сақланаётган қуйидаги трансформатор подстанциялари қўйилмоқда:

- 1 дона трансформатор подстанцияси № 1 (биносиз).

***Бошланғич баҳоси — 75 526 408,10 сўм.***

- 1 дона трансформатор подстанцияси № 8 (биносиз).

***Бошланғич баҳоси — 13 989 723,66 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Трансформатор подстанциялари 4 сентябрдаги савдода сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2014 йил 19 сентябрь ва 3 октябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 19 сентябрдаги савдолар учун — 17 сентябрь куни соат 18.00, 3 октябрдаги савдолар учун — 26 сентябрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдоси ғолиби, деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52.**

1173A/1452

*Гувоҳнома № 006231.*

## «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 675 942 871 сўм.***

Ушбу кўчмас мулк бўйича савдо 2014 йил 18 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мазкур кўчмас мулк 2014 йил 18 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

**2.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Захкаш қишлоғида жойлашган, «O‘ktam Sulton Invest Trans» МЧЖга тегишли бўлган маъмурий, ошхона, омбор бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 621 946 965 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар Суд департаменти томонидан Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пешку тумани, «Варахшо» ҚФЙ, Захкаш қишлоғида жойлашган, «O‘ktam Sulton Invest Trans» МЧЖ ҳудудидаги А. А. Султоновга тегишли бўлган молхона ва бошқа бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 074 770 300 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар бўйича савдолар 2014 йил 2 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулклар 2014 йил 2 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 16 сентябрь куни соат 11.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биносида бўлиб ўтади.

Савдода иштирок этиб мулкдор бўлиш истагидаги харидорлар савдо ташкилотчиси — «Shad savdo zamin» МЧЖга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- юқорида кўрсатилган мулкни сотиб олиш учун ариза;
- савдо ташкилотчисининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Бухоро филиалидаги МФО: 00966, СТИР: 302097424, 20208000004935078002 ҳисоб рақамига мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатининг асл нусхаси;
- талабгорнинг ҳуқуқий ҳужжати нусхаси.

Мазкур кўчмас мулклар қуйидаги шарт асосида сотилади: харидор савдо ўтказилган кунда суд бошқарувчиси билан олди-сотди шартномасини имзолаб, шартномада белгиланган муддат ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши шарт.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, «Shad savdo zamin» МЧЖ. Телефон: (8-365) 221-51-62.**

### «SHAD SAVDO ZAMIN» МЧЖ

2014 йил 4 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтган аукцион савдосида бошланғич баҳоси 166 894 000 (бир юз олтмиш олти миллион саккиз юз тўқсон тўрт минг) сўмдан иборат бўлган, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 46/6-уйда жойлашган 12-сонли тураржой коттежи 172 000 000 (бир юз етмиш икки миллион) сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Хизматлар лицензияланган.

1168R/621

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 6 августдаги ЖСК-1-222/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчасида жойлашган, умумий майдони 500,0 кв.м.дан иборат икки қаватли пишиқ ғиштдан қурилган 21-уй-жой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 642 241 017 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 20 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 18 август куни соат 18.00.

**2.** Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2014 йил 22 майдаги 2-26-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси ҳудудида жойлашган, умумий майдони 66,0 кв.м.дан иборат 2 қаватли савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 225 889 975 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 5 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 3 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ХОАТБ «InFinBANK» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804920609029, МФО: 01107, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1167A/1453

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Жорий йилнинг июнь ойида еврохудудда ишсизлик даражаси май ойидагига нисбатан 0,1 фоиз пасайди.*

## Ишсизлик даражаси пасайди

Бу ҳақда “Eurostat” маълумотларига таяниб, “Евроньюс” телеканали хабар тарқатди. Шундай қилиб, ягона валюта бирлигига аъзо давлатларда ишсизлик даражаси энди 11,5 фоизни ташкил қилаяпти. Бу 2012 йилнинг сентябрь ойидан бери қайд этилган энг паст кўрсаткичдир.

## Хусусий инвесторларни жалб қилмоқчи

*Португалиянинг “Espirito Santo” банки шу йилнинг ўтган олти ойида 3,5 миллиард евро миқдорида зарар кўрди.*




Манбада айтилишича, молия муассасасига тегишли учта кредит ташкилоти бир оз муддат аввал ҳукуматга мурожаат этиб, кредиторлардан ҳимоя қилишларини сўраганди. Айни шу ҳолат банк акциялари нархининг 42 фоиз тушиб кетишига сабаб бўлди ва бунинг натижаси ярим йиллик якунларида ўз аксини топди.

Эндиликда “Espirito Santo” маъмурияти хусусий инвесторларни жалб этиш орқали банк сармоясини оширмоқчи. Мазкур масала юзасидан ўтказилган дастлабки музокаралардан аён бўлдики, инвесторларда ҳам бундай таклифга қизиқиш бор.

## Иккинчи корхона

*“Hyundai Motor” автоконцерни (Жанубий Корея) филиали “Hyundai Mobis” Чехияда автомобиль фаралари ишлаб чиқарадиган корхона очади.*



Бунинг учун у 146 миллион евро миқдорида сармоя йўналтиради. Лойиҳани молиялаштиришга зарур бўладиган яна 95 миллион еврога тенг маблағ эса Чехия ҳукумати томонидан ажратилади.

Қурилиш ишлари келгуси йили Острава шаҳрида бошланади. Янги завод учун бу жой танлангани бежиз эмас. Сабаби, ҳозир мазкур шаҳарда ишсизлик даражаси мамлакатдаги ўртача кўрсаткич — 11,3 фоиздан 1,5 баробар юқори. Янги корхона фаолият бошлаши билан 900 кишининг бандлиги таъминланади.

“Hyundai Motor” 2008 йилда Чехиянинг Носовице шаҳрида автомобиллар йиғувчи заводни ишга туширган эди.

## Довул келтирган талафот

*Япония жанубига кириб келган “Накри” довули туфайли кучли ёғингарчиликлар кузатилиб, сув тошқинлари келиб чиқди.*

Бунинг оқибатида 250 мингта тураржой электр таъминотидан узилиб қолди. Табиий офатдан энг кўп зарар Коти префектурасига етгани айтилмоқда. Бу ерда ёғингарчилик миқдори 1000 миллиметрдан ошган. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун 350 минг кишини эвакуация қилиш тавсия этилган. Маҳаллий маъмурият табиий офат кузатилган ҳудудларда яшовчи одамларни зарурат бўлмаганда кўчаларга чиқмасликка чақирди.

Манбага қараганда, айни пайтда “Накри” Сариқ денгиз акваториясидан шимоли-шарқ томон ҳаракатланмоқда. Унинг тезлиги ҳам аста-секин сусайиб бораяпти.

## Зилзила юз берди

*Хитойнинг Юньнань музофотида содир бўлган кучли зилзила оқибатида 380 киши ҳаётдан кўз юмган, яна икки юз нафарга яқин одам бедарак йўқолган.*

Бу ҳақда “Евроньюс” телеканали маҳаллий оммавий ахборот воситалари маълумотларига таяниб хабар тарқатди. Кучланиши 6,5 баллга тенг бўлган табиий офатнинг эпицентри Людянь шаҳрида қайд этилган. Бу ерда 12 мингта бино вайрон бўлган, ўттиз мингтадан зиёдига жиддий зарар етган.

Бу Юньнанда сўнгги 14 йил ичида юз берган энг кучли ер силкиниши ҳисобланади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Азизхон Аманович Назировга отаси
**Аман Заманович НАЗИРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Александр Қосимович Фармановга онаси
**Раиса ФАРМОНОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси институт директори, техника фанлари доктори Шомансур Сагдуллаевга волидаи муҳтарамаси
**ЗАМИРАХОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзэлектртармоқ” УК жамоаси Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Нодира Хидировага волидаи муҳтарамаси
**НУРИНИСО аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси жамоаси функционал диагностика бўлими шифокори Феруза Исламбековага падари бузруквори
**Заид ЮНУСОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон 24 соат ичида: Лондон шаҳри рамзи, машҳур “Gherkin” (“Бодринг”) осмонўпар биноси яна сотувга қўйилди. Унга хорижлик инвесторлар 820 миллион евро таклиф этишмоқда.

ИСТЕЪДОД

*Мутахассислар фикрича, фарзанд камолоти йўлида илму маърифат сингари мусиқа ва санъатнинг ҳам ўрни беқиёс экан. Дилбар куй, хонишга ошно тутинган болаларнинг фикрлаш қобилияти, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Шу маънода, Президентимизнинг “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ёш авлод тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий тасдиғи сифатида аҳамиятлидир.*

# МУСИҚА СЕҲРИ
## кўнгилларга эзгулик бахш этади



Навқирон авлоднинг етук мутахассис, ибратли хулқ-атвор эгаси бўлиши аввалбошдаги тарбиясига, камол топаётган муҳитига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бола тарбияси ота-оналар учун энг муҳим масаладир. Ушбу вазифага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши камдан-кам мамлакатларда учрайдиган ҳолдир. Бу ҳақда мусаввир, санъатшунос Рустам Эрматов шундай дейди:

*— Ўғил-қизларимизнинг баркамол, эл-юртга хизмат қиладиган кишилар бўлиб вояга етиши оила муҳитига боғлиқ. Оилада, фикримча, шундай муҳит яратиш керакки, бунда ҳар бир фарзанд ўзини бахтиёр ҳис этсин. Бизнинг бахтимиз шундаки, ушбу муҳим масалага муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан юксак эътибор қаратилмоқда. Истеъдод эгалари давлатимиз томонидан рағбатлантирилмоқда. Масалан, ўтказилаётган турли кўрик-танловлар болаларнинг қобилиятини янада тоблашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, бундай тадбирлар болаларда қизиқиш ва ҳавас уйғотишда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Оилам мисолида айтадиган бўлсам, тўрт нафар фарзандим бор. Уларнинг ҳар бири мусиқага қизиқади, бирор бир соз чалади. Масалан, қизим Шаҳноза ҳам либос дизайнерлигига, ҳам мусиқага, катта ўғлим Қаҳрамон бастакорликка, кичик ўғлим Достонбек мусиқага иштиёқманд. Кенжа қизим Робия эса ҳали боғча тарбияланувчиси бўлишига қарамай, опаю акаларига ўхшаб санъатга қизиқувчан. Қаҳрамоннинг интилишлари, иқтидори 2013 йили давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди ва у “Ниҳол” мукофоти билан тақдирланди. Фарзандларимнинг орзу-интилишлари, эришаётган ютуқ ва муваффақиятларига қараб, беихтиёр болалик йилларимни эслайман. Санъатга қизиқардик, аммо у пайтлари ҳозиргидек муҳташам ўқув масканлари қаёқда, дейсиз? Эски мактабимизда эса, бор-йўғи, биттагина рубоб бор эди, холос. Мусиқа ўқитувчимизнинг соз йўқлигидан партани чалиб дарс ўтганларини эсласам, ғалати бўлиб кетаман. Бугун бу ҳақда ёшларга айтсангиз, ишонишмайди.*

Халқимизда “Игна қаёққа юрса, ип ҳам ўша томонга юради” деган нақл бор. Оила бошлиғи Рустам Эрматовнинг сўзларига қулоқ тутиб, беихтиёр ана шу ҳикмат ёдга тушади. Негаки, у фарзандларининг иқтидорини юзага чиқариш мақсадида оилавий “Ҳавас” гуруҳини ташкил қилди. Ушбу гуруҳ томонидан ҳар йили хайрия концертлари ўтказиб келинади. Уларнинг ижодий кечасига ташриф буюрувчилар Шаҳноза, Қаҳрамон, Достонбек ҳамда Робияхон ижросида мумтоз ва эстрада қўшиқларини, жаҳоннинг машҳур бастакорлари ижодига мансуб куй-наволарни тинглаб, ҳордиқ олишади.

— Устозларга ҳавас қилиб, эзгу мақсад билан шундай гуруҳ ташкил этдик, — дейди Р. Эрматов. — Мана, беш йилдирки, турли тадбирларда қатнашиб келаяпмиз. Хайрия концертларимизни Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўтказамиз. Чунки мусиқада илоҳий қудрат бор. Уни тинглаганда, кимдир армонларини бир зум бўлса-да унутади, мурғак қалбларга эса эзгулик нури инади. Шунинг учун бўлса керак, ҳали шу пайтгача бирор фарзандимнинг ортидан ёмон гап эшитмадим. Аксинча, мактаб ва коллеждаги устозларининг миннатдор бўлиб айтган сўзларидан бошим осмонга етади. Фарзандларимни мусиқа орқали тарбиялаётганимдан беҳад ғурурланаман.

Эрматовлар хонадонидаги учинчи фарзанд — Достонбек шу кунларда жорий йилнинг сентябрь ойида Грецияда ёш мусиқачилар ўртасида ўтказиладиган нуфузли танловга тайёргарлик кўрмоқда. Достонбек бугунги кунга қадар бир қанча хорижий мамлакатлардаги танловларда муваффақиятли қатнашиб, юртимиз ёшларининг ҳеч кимдан кам эмаслигини кўрсатган. Жумладан, у 2012 йилда Францияда бўлиб ўтган ёш мусиқачилар кўрик-танловида иштирок этиб, ўз қобилияти билан санъат аҳли ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. Эндигина 12 ёшга кирган йигитчанинг жаҳон саҳналарида эътироф этилиши ҳам аслида, истиқлол туфайлидир.

— Мусиқа эшитиш, соз чалиш жону дилим, — дейди Достонбек. — Фахр билан айтаманки, ёшларга эътибор туфайли мен ўзимни, ўзлигимни кашф қилдим. Ота-онамнинг “Одобингдан, юриш-туришингдан кўнглимиз тўқ”, деганларини эшитиб, хурсанд бўлиб кетаман. Олдимга шундай мақсад қўйганман: юртимнинг корига ярайин, отаонам, устозларим, Президентимиз ишончини оқлайин!..

— Бола — нозик навниҳол, — дейди оила соҳибаси Матлуба Эрматова. — Уни қандай парвариш қилсак, шундай вояга етади. Касбим педагог-руҳшунос бўлганлиги учун яхши биламанки, айниқса, майин навонинг бола руҳиятига таъсири катта. Биргина аллани олайлик, мурғак вужуд уни эшитганда йиғидан тўхтайди, алла сеҳри ила ширин уйқуга кетади. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, илоҳий оҳангни тинглаган гўдак қалбига эзгулик, меҳр ва муҳаббат ҳислари сингиб бораверади.

Бу оилага қалбимизнинг туб-тубида ҳавас уйғонди. Бинобарин, юртимизда Президентимизнинг ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларга, навқирон авлодга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрлиги туфайли бундай оилалар сафи кенгаймоқда. Ана шундай бахт ошёнларида Қаҳрамону Достонбек, Шаҳнозаю Робияга ўхшаган фарзандлар камолга етмоқда.

Уларнинг нияти эзгу, мақсади аниқ: шу азиз Ватанга муносиб фарзанд бўлиш. Ишонамизки, улар беғубор орзу-умидларига эришадилар. Зотан, бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Бундай ғамхўрликдан қувонган фарзандларимиз эса тинч ва осуда ҳаётимизнинг бебаҳо неъмат эканлигини тушуниб етаяпти, озод Ватан, мунаввар кунларни қадрлашга ўрганишаяпти.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

ИЗЛАНИШ

# Ноанъанавий усул

*Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти тадқиқотчиси Шоҳназар Ҳазратқулов томонидан тупроқ унумдорлигини сезиларли даражада оширадиган ноанъанавий ўғит яратилди.*

— Илмий изланишларимизни амалиётда синовдан ўтказдик, — дейди Ш. Ҳазратқулов. — Яъни магний карбонатли шўрланишга учраган тупроқларда ғўза ва маккажўхори ўсимликларини экиш олдидан тамаки фабрикаси чиқиндиси, ўсимлик қолдиқлари ҳамда маиший чиқиндилардан тайёрланган компост ва сидерат (кўкат ўғит)лардан фойдаландик. Бунда ўсимликларнинг озиқланиши, ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигининг ошиши одатдагидан яхшиланганлиги кузатилди. Шунингдек, изланиш натижасида қўлланилган ўғитларнинг аҳамияти ва самарадорлиги бўйича ҳам ижобий хулосаларга эга бўлдик.

Қишлоқ хўжалигида сидерат ўсимликлардан фойдаланиш тупроқ унумдорлиги ҳамда экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис уларнинг янги турлари — “амарант” ва “расторопша”ларни мамлакатимиз табиий шароитига мослаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Маълумот ўрнида яна шуни таъкидлаш жоизки, сидерат, яъни кўкат ўғит тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида кўклигида тупроққа қўшиб ҳайдаб юборилади. У тупроқнинг физик хоссаларини яхшилайди, органик модда ва азотга бойитади. Алмашлаб экишда маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар билан қўшиб қўлланилганда, самарадорлиги янада ортади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Fitch Ratings

O'ZSANOATQURILISHBANK

«FITCH RATINGS»
халқаро рейтинг агентлиги

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
акциядорлик тижорат банкининг

миллий валютадаги узоқ ва қисқа муддатли рейтингларини
**B**
даражасида
«БАРҚАРОР»
истиқболи билан қайта тасдиқлади.

2014 йил, 29 июль.

1163R/619


ЭЪЛОНЛАР


**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Булоқбоши тумани СИБ томонидан Андижон вилояти хўжалик судининг 2014 йил 5 майдаги 17-1405/2154-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Булоқбоши тумани, «Майариқ» ҚФЙ, Эшонхўжаев кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 2 487,27 кв.м., фойдаланиш майдони 2443,39 кв.м. бўлган «Пилла» давлат корхонаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси —263 221 300 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 8 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 5 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг Андижон шаҳар ОАТ «Савдогар» банкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона.**
**Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz**

1174A/1453

Хизматлар лицензияланган.



**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

**1.** Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2012 йил 6 ноябрдаги 1-2969/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод (собиқ Кунаев) кўчаси, 35-уйда жойлашган, умумий майдони 133,6 кв.м., тураржой майдони 83,9 кв.м.дан иборат 51-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 247 280 000 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 16 июндаги 30210/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Тансиқбоев 2-мавзеси, 3-«В» уйда жойлашган, умумий майдони 367,0 кв.м.дан иборат савдо дўкони қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 377 388 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 5 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1177R/562

Хизматлар лицензияланган.



**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ЖИБ Олий судининг 2014 йил 20 февралдаги 1-0/х-66-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, «Кутли конис» МФЙ, Лойиҳа кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, умумий майдони 900,0 кв.м. бўлган тураржой биноси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 205 303 800 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАТ «Турон» банки Нукус филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.**
**Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz**

1169A/1453

Хизматлар лицензияланган.


WWW.XS.UZ Навоий: Вилоят марказида замонавий Санъат галереяси иш бошлади. Унинг очилишида санъатшунос-олимлар, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 869. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5